

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТЯҚУБОВ ЗАФАРБЕК ШАРИПОВИЧ**

**ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРДА *ANACANTHOTERMES* АВЛОДИ  
ТЕРМИТ ТАБАҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҚИЁСИЙ  
ТАҲЛИЛИ (ИЧОН ҚАЛЪА МУЗЕЙИ МИСОЛИДА)**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Матякубов Зафарбек Шарипович**

Тарихий ёдгорликларда *Anacanthotermes* авлоди термит табақаларининг ривожланиши ва қиёсий таҳлили (Ичон қалъа музейи мисолида)..... 3

**Матякубов Зафарбек Шарипович**

Развитие и сравнительный анализ различных каст термитов рода *Anacanthotermes* в исторических памятниках (на примере музея Ичан-Кала)..... 23

**Matyaqubov Zafarbek Sharipovich**

Development and comparison of various castes of termites of the *Anacanthotermes* genus in historical monuments (on the example of the Ichan-Kala Museum)..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 45

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТЯҚУБОВ ЗАФАРБЕК ШАРИПОВИЧ**

**ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРДА *ANACANTHOTERMES* АВЛОДИ  
ТЕРМИТ ТАБАҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҚИЁСИЙ  
ТАҲЛИЛИ (ИЧОН ҚАЛЪА МУЗЕЙИ МИСОЛИДА)**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/В195 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаев Икрам Искандарович**  
биология фаълари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Зокиров Исламжон Илхомжонович**  
биология фаълари доктори

**Жугинисов Тангирберген Исаевич**  
биология фаълари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Анджон давлат университети**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.В.20.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «05» декабрь куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй. Университет мажлислар зали. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz))

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 16-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй, Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2020 йил «21» ноябр куни тарқатилади.  
(2020 йил «21» ноябрдаги 5-рақамли реестр баённомаси)



**М.А.Жуманов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**А.И.Курбанова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент

**Я.И.Аметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда атроф-муҳитнинг глобал равишда ўзгариши ва инсон томонидан экотизимларнинг ўзлаштирилиши турли конструкцияли бино ва иншоотлар биозарарланиш кўламининг ортишига олиб келмоқда. Бу ўринда, ҳашаротлар, жумладан термитлар томонидан келтириладиган биозарарланиш даражасининг иқтисодий кўлами алоҳида аҳамиятга эга. Шунга кўра, термитларни биологик ҳамда экологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларга қарши янги курашиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда ишлаб чиқариш тармоқлари билан боғлиқ ҳолда уларни биозарарланишлардан ҳимоя қилиш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, қишлоқ хўжалиги тармоқларига зарар келтирувчи ҳашарот турлари инвентаризация қилинди, уларнинг локал тарқалиш хусусиятлари аниқланди ва қарши кураш чоралари ишлаб чиқилди. Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда урбанизациянинг кучайиши ва шаҳар ҳудудларининг кенгайиши табиий экотизимларнинг ҳолатига таъсир кўрсатиб, ҳашарот турларини зараркунанда сифатида шаҳар шароитига мослашувига ҳамда улар зарар кўламининг ортишига олиб келмоқда. Айниқса, арид ҳудудларида тарқалган *Anacanthotermes* авлодига мансуб термитларнинг аҳоли турар жой бинолари ва тарихий обидаларида, уларнинг ҳолатига жиддий хавф солаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Термит жамоаларининг ўзига хос хусусиятларидан бири жамоадаги мавжуд табақаларнинг ривожланиши давомида махсус морфологик белги ва ҳулқ-атворларнинг шаклланишидир. Аини термит табақалари орасида бундай меҳнат тақсимотининг мавжудлиги уларнинг юқори эргономик самарадорлиги, экологик ютуқлари ҳамда мослашувчанлигини белгилайди. Шунга кўра, термит табақаларини ўзига хос функционал ривожланиши хусусиятларини аниқлаш, шаҳар шароитларига мослашувчанлик имкониятларини баҳолаш ва улар асосида термитларга қарши курашишнинг такомиллашган усуллари ҳамда чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамызда аҳоли ва ишлаб чиқариш тармоқларини биозарарланишдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, зарарли турлар инвентаризация қилиниб, уларнинг республикамыз вилоятлари кесимида тарқалиш имкониятлари аниқланди, қишлоқ хўжалиги экинларини зарарли ҳашарот ва бошқа инвазив турлардан ҳимоя қилиш усуллари кенг жорий қилинди, уларга қарши экологик тоза ҳамда самарадор препаратлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup>, жумладан «атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларнинг олдини олиш» вазифалари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, тарихий ёдгорликларда *Anacanthotermes* авлоди термит табақаларини тарқалишини аниқлаш, биноларни зарарлашининг асосий сабабларини очиб бериш, термитларга қарши замонавий кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Термитлар муаммоси бўйича илмий тадқиқотлар хорижлик олимлар Е.О. Wilson (1971), Ch.Martius (1997), J.Korb (2008), E.Lecoutey, N.Chaline ва P.Jaisson (2011), L.Leniaud ва бошқ. (2011), K.Matsuura, Y.Yamamoto (2011), H.Miyata ва O.Kitade<sup>2</sup> томонидан ўрганилган бўлса, МДХ мамлакатларида В.А.Тюльпанов (1971), Я.Вейзер (1972), В.А.Лозинский ва бошқ. (1973), Д.П.Жужиков (1979), А.Е.Лунд (1976), О.Союнов (1991), М.Г.Непесова ва бошқ. (1992), В.Г.Баева ва бошқ. (1993), Н.В.Беляева (2004), К.Какалиев<sup>3</sup> ва бошқа олимларнинг илмий асарларида кузатиш мумкин.

Республикамизда термитларга оид маълумотлар Т.Кулумбетова (1999), А.Ш.Хамраев ва бошқ. (2003, 2005), Khamraev A.Sh. ва бошқ. (2007), И.И.Абдуллаев (2002, 2016), А.А.Нуржанов ва бошқ. (2005), Т.И.Жугинисов (2007), Б.Р.Холматов (2011) ишларида республикада термитларнинг тарқалиши, термитларнинг морфологик хусусиятлари, тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, табиий қушандалари, ёғоч материалларнинг термитларга чидамлилиқ хусусиятлари, термитларга қарши уйғунлашган кураш усуллари ўрганилган. Олинган маълумотлар асосан табиий ландшафтларда термитлар сони ва тарқалишини назорат қилувчи кимёвий ва биологик препаратларни синашга йўналтирилган эди. Бугунги кунда севин, суми альфа препаратларнинг замон талабларига жавоб бермаслиги ва комплекс тадқиқотларни олиб бориш ҳамда Ўзбекистон экотизимларида

<sup>2</sup>Miyata H. & Kitade O. Patterns of neotenic differentiation in a subterranean termite, *Reticulitermes speratus* (Isoptera: Rhinotermitidae). Entomol. Sci. 7: (2004) - P. 309-314.

<sup>3</sup>Какалиев К., Инструкция по противотермитной профилактике и борьбе с термитами. - Ашхабад: Ўлим, 1983. - С. 52.

термитлар сонини назорат қилишни тўлиқ ифодалай олмаслиги туфайли ушбу препаратларни қўллашдан олдин, термитларнинг хулқ-атворини ўрганиш, ривожланишдаги мураккаб жараёнларни таҳлил қилиш, аҳоли турар жой бинолари ва тарихий ёдгорликлардаги биноларнинг техник ҳолатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-9-48 «Зараркунанда ҳашоратлар экологик мониторинги ва миқдорини олдиндан аниқлаш ва бошқаришни замонавий тизимини ишлаб чиқиш» (2012-2014) ва ПЗ-20170926429 «Жанубий Оролбўйи антропоген ландшафтларида термитларни экологик мониторинги ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тарихий ёдгорликларда *Anacanthotermes* авлоди термит табақаларининг ривожланиш хусусиятларини аниқлаш ва уларга қарши замонавий кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*Anacanthotermes* авлоди термит табақаларини тарихий ёдгорликларда тарқалишини аниқлаш;

“Ичон-қалъа” давлат музей-қўриқхонасида термитларнинг тарқалиш ва биноларни зарарлашининг асосий сабабларини очиб бериш;

*Anacanthotermes* авлоди термит табақаларини постэмбрионал ривожланиш босқичларининг механизмини ўрганиш ва уларни қиёсий таҳлил этиш;

Ичон-қалъа музейида термитларнинг озуқа ва намликка бўлган талабини ўрганиш;

термитларга қарши замонавий кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** тарихий ёдгорликлар, аҳоли турар жой биноларида тарқалган *Anacanthotermes* авлодига мансуб тур термит табақалари, улар билан боғлиқ биота компонентлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** термит табақалари тузилишининг хусусиятлари, функцияланиши ҳамда уларнинг қиёсий таҳлили ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кузатув, биометрик, энтомологик, физиологик, морфологик, фенологик, статистик ҳамда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

*Anacanthotermes* авлоди термитларининг маданий меърос объектларида тарқалиш ва биноларни зарарлаш хусусиятлари аниқланган;

*Anacanthotermes* авлоди термит табақаларининг функционал ривожланиши хусусиятлари очиб берилган;

тарихий ёдгорликларда термитларнинг ташқи омиллар билан боғлиқ миграцияси асосланган;

Ичон қалъа тарихий ёдгорлигида термитлар сони ва грунт сувлари сатҳи ўртасидаги боғлиқлик қонунияти очиб берилган;

термитларга қарши янги кимёвий ҳамда биологик инсектицидлар таъсири самарадорлиги очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

экологик муҳитга салбий таъсир қилмай туриб, тарихий ёдгорликлар, турли хил иншоотларнинг ёғоч қисмларини термитлар емиришидан асровчи ва ҳимоя қилувчи патогенли ем-хўрак яратилган;

термитлар тарқалган турар жой бинолари, тарихий обидалар ва бошқа иншоотларда патогенли ем-хўракларни жойлаштириш схемаси ишлаб чиқилган;

термитларнинг биологик ва экологик хусусиятларига асосланган ҳолда уларга қарши кураш услулларини такомиллаштириш чора тадбирлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган солиштира, биометрик, энтомологик, физиологик, морфологик, фенологик, қиёсий таҳлиллар асосида олинган тажриба натижаларини назарий маълумотларга мос келиши, морфометрик маълумотларни Biostat-3.8 ([www.biostatsoft.com](http://www.biostatsoft.com)) дастурида статистик таҳлил қилинганлиги, тавсиялар ва термитларга қарши патогенли ем-хўракнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Anacanthotermes* авлоди термитларининг маданий меърос объектларида тарқалиш ва биноларни зарарлаш хусусиятлари очиб берилганлиги, термит табақаларининг шаклланиши ва тарқалишини асослаб берилганлиги, тарихий ёдгорликларда термитларнинг ташқи омиллар билан боғлиқ миграциясини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тарихий ёдгорликлар, турли хил иншоотларнинг ёғоч қисмларини термитлар емиришдан асровчи ва ҳимоя қилувчи замонавий ем-хўраклар яратиш ва уларни самарадор жойлаштириш, термитларнинг зарарига қарши уйғунлашган кураш чораларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тарихий ёдгорликларда *Anacanthotermes* авлоди термит табақаларининг ривожланиши ва қиёсий таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

термитлар тарқалган турар жой бинолари, тарихий обидалар ва бошқа иншоотларда патогенли ем-хўракларни жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган самарадор схема Хоразм вилояти Фавқулудда вазиятлар бошқармаси амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2020 йил 8 августдаги 2/4/32-1742-сон маълумотномаси). Натижада, термитларнинг тарқалиш ва биноларни зарарлаши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган фавқулудда вазиятларни олдини олиш ва аҳоли ҳудудларини муҳофаза қилиш имконини берган.

хлорафос, фипронил ва янги Nortex каби кимёвий препаратлар асосида термитларга қарши кураш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар “Ичон қалъа”



давлат музей кўриқхонаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 21 сентябрдаги №4/1255-1939 - сон маълумотномаси). Натижада, Nortex препарати билан биноларни термитлардан зарарсизлантириш 76,7 % самарадорликка эришиш имконини берган;

*Beaveria tenella* замбуруғи ва Сассиқ коврак (*Ferula assa-foetida*) ўсимлиги пояси асосида ишлаб чиқилган такомиллашган биологик ем-хўрак “Ичон қалъа” давлат музей кўриқхонаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 21 сентябрдаги №4/1255-1939 - сон маълумотномаси). Натижада термитларга қарши кимёвий профилактик чора-тадбирлар ўтказиш ишлари оширилмаганлиги сабабли йилига 97,0 млн сўм иқтисод қилиш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та амалий тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Термит вакиллари табақаларини фарқланишининг ўрганилганлик ҳолати**» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича адабиётлар шарҳи баён этилган. Хорижий давлатлар ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бунда кўтарилган мавзу ўрганилишининг ҳозирги аҳволи, термитларнинг тарихий ёдгорлик биноларида тарқалиш сабаблари, уларга қарши кураш учун ҳулқ-атворини атрофлигича ўрганиш ҳамда жаҳон

тажрибасида бу борада ўтказилган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар ва мавжуд муаммолар келтирилган.

Диссертациянинг «Хоразм вилоятининг табиий-географик шароитлари, тадқиқот материаллари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ўрганилган ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари ишлаб чиқилган.

Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида, термитларнинг тур таркиби ва табақалар ривожланишини аниқлаш ва экологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида тизимли равишда материаллар йиғилган ва таҳлил қилинган. Кенг миқёсда кўп режали тадқиқотлар Хоразм воҳасининг Хива, Янгиарик, Тупроққалъа, Ҳазорасп, Боғот туманлари тарихий ёдгорликлар ва аҳоли яшаш пунктларида амалга оширилган. Ичон қалъадаги 54 та тарихий ёдгорликлар ҳолати техник паспортлари ёрдамида ўрганилган.

Материалларни йиғиш ва морфометрик ўлчаш ишлари Akhtar ва Ahmad (1991) услублари асосида бажарилган. Йиғилган термитларнинг ўлчамларини сақлаб туриш мақсадида улар 80% ли этил спиртида сақланди. Тарихий обидалардан йиғилган термитларни морфометрик таҳлил қилиш ва тур таркибинини аниқлаш мақсадида ЎзРФА Зоология институти ва “Табиат тарихи” миллий Америка музейида сақланаётган коллекциялар билан солиштирилди.

Зарарланган объектларнинг координациялари GPS орқали аниқлаш ва бинолардаги термитларни йиғиш ишлари эса Экстерра аппарати ёрдамида амалга оширилган. Бино деворлари, ёғоч устунларидаги термитлар фаолиятини аниқлашда термит аниқлагич (детектор) дан яъни T-5 сканерли замонавий микротўлқинли ускунадан фойдаланилган (1-расм).



**1-расм. Термит аниқлагич (детектор).**

*Anacanthotermes* авлодига мансуб термит табақаларининг ривожланишини ўрганиш ишлари Какалиев, Союнов (1977), Korb, Schmidinger (2004), Raina, Bland (2003) услублари асосида 27°C ҳароратда махсус термит уясида амалга оширилган. *Anacanthotermes* авлодига мансуб термит уяларидаги ишчи табақаларининг ўзаро муосабатларини ўрганиш ишлари Korb (2008) услублари асосида бир биридан 100 метр масофада жойлашган 8 та термит уяларида ўрганилган. Ишчи термитлар оиласидаги

ўзаро муносабатларни ўрганиш учун уларни  $C_{15}H_{17}N_4Cl$  - қизил ва  $C_{20}H_{20}N_3Cl$  - кўк рангдаги судан ва акранил бўёқларнинг 1% сувли эритмасига шимдирилган филтёр қоғозлар билан озиклантириш йўли асосида амалга оширилди. Жума масжид тарихий ёдгорлигида термитнинг мавсумий тарқалиши, миграцияси ва фенологиясини ўрганиш ишлари Lelis (1995) услублари асосида аниқланган.

Диссертациянинг «Хоразм воҳаси тарихий ёдгорликлари ва аҳоли турар жой биноларида *Anacanthotermes* авлоди термитлар тарқалиши ва тур таркиби» деб номланган учинчи бобида Хоразм вилоятининг қадимий тарихий обидаларида, Хива шаҳри “Ичон ва Дишон” қалъалари, Хазарасп тумани “Ичон қалъа”, Тупроққалъа тумани “Қоратош (Хумбуз) тепа”, “Тупроқ қалъа”, Боғот тумани “Қалажик”, Урганч тумани “Улли ҳовли”, Шовот тумани “Кат қалъа” каби жами 31 та тарихий мажмуалардаги обидаларда кенг кўламда назорат ва кузатиш ишлари амалга оширилиб, улардан 22 тасида *Anacanthotermes* авлодига мансуб термитлар тарқалганлиги аниқланган ва тур таркиби ўрганилган.

22 та тарихий мажмуалардан йиғилган термит табақаларини морфометрик ўлчаш асосида Кўшқўпир тумани (Зорлиқ эшон-бобо қалъаси, Хандакқўл қишлоқ, Кўхна қала, Ашурматтепа харобалари), Хазарасп тумани (Хазарасп қалъаси, Чингиз тепа мажмуаси, Тошсоқа ёдгорликлари), Хива шаҳри (Ичон ва Дишон қалъа), Шовот тумани (Кат қалъа), Янгиариқ туманларидан (Олма отишган мажмуаси, Остона тепа қалъаси) келтирилган термит табақаларида *A.ahngerianus* турига мансуб белгилар учраши, Тупроққалъа туманидан (Сартарош карвон саройи, Мешекли қалъаси, Тошмозор қўрғони, Тошмозор қўрғонлар гуруҳи, Уч ўчоқ мозор қўрғонлари, Наус, Тупроққалъа харобаси, Тош-қала I харобаси, Тош-қала II харобаси, Эшон работ карвонсаройи, Сардоба қалъаси) келтирилган термитларда эса *A.turkestanicus* турига мансуб белгилар қайд қилинган. Шунингдек, Хива шаҳридаги Ичон ва Дишон қалъада жойлашган 90 та (Дишон қалъада 36 та, Ичон қалъада 54 та) тарихий музейларда кузатиш ишлари амалга оширилган.


Термитнинг тур таркибини аниқлашда қанотли термитлар қанот узунлиги, кенглиги, навкар табақалар олди елкасининг пронотум тузилиши ва бошининг ўлчамлари асос қилиб олинган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### ***Anacanthotermes* авлодига мансуб қанотли термит табақаларининг ўлчамлари (n=100)**

№	Белгилари	<i>A.ahngerianus</i>	<i>A.turkestanicus</i>
1	Бошининг катталиги	2.11±0.12	2.36±0.05
2	Бошининг кенглиги	2.65±0.13	2.54±0.13
3	Олд қанотининг узунлиги	23.56±0.5	22.04±0.12
4	Орқа қаноти узунлиги	22.13±0.14	19.7±1.16
5	Тана узунлиги (қаноти билан)	29.6±1.34	24.3±1.42
6	Навкарнинг пронотуми тузилиши	кулоқча мавжуд	Мавжуд эмас

Ичон қалъа давлат музей кўриқхонасидаги 54 та тарихий обидалардан 36 таси *Anacanthotermes* термити томонидан турли даражада шикастланиш аломатлари борлиги аниқланган. Ичон қалъа тарихий ёдгорликларда олиб борилган кузатишларда зарарланишнинг дастлабки босқичида ёғоч материаллар ишчи термитлар томонидан нимикқан лой сувоқлар билан қопланиши, кейинги босқичида ёғоч ичига кириб илма тешик қилиб зарарлаши ва охириги босқичларида ёғочни ички қисмини еб унинг ўрнини лой билан тўлдириши аниқланган. Ёғоч материаллар термитлар томонидан турли даражада шикастланишини эътиборга олиб, биноларнинг зарарланиш 3 гуруҳга ажратилган (2-расм).



**2-расм. Музейларда термитлар томонидан ёғоч материалларнинг зарарланиш даражалари (А – кам, В – ўртача, С – кучли).**


Ичон қалъа тарихий обидаларда термитларнинг тарқалиши ва зарарлаш сабабларини ўрганиш Жума масжид музейи мисолида амалга оширилган. Бунинг учун Жума масжиднинг ҳудудда жойлашган ўрни ва техник ҳолатларига эътибор қаратилган. Жума Масжиднинг том қисмида ёмғир сувининг тўпланиб қолиши натижада томдаги ёғоч ва устунларнинг намланиши термитларнинг авж олиб ривожланишига ва зарарлашига сабаб бўлган.

Айнан Жума масжиднинг ушбу қисмларидаги ёғоч шифтлар, устунлар термитлардан жиддий зарарланган. Тадқиқот натижаларига кўра, Жума масжид меъморий ёдгорлигидаги юк кўтарувчи ёғоч конструкция ва деталларида шикастланишнинг икки тури (механик ва биологик) учраши қайд этилган. Меъморий ёдгорликларда ишлатилган конструкцион ёғочнинг физик-механик хоссалари, ҳарорат-намликни мустаҳкамликка таъсирини вақт бўйича ўзгариши, эксплуатация пайтида юк кўтариш қобилятини пасайиш натижасида меъёрдан ортиқ эгилганлиги ва юк юзасидан ташқарида қийшиқ эгилиш мавжудлиги, шунингдек биологик шикастланишда устунларга термитларнинг том, девор ва тупроқ орқали келиб зарарлаши ўрганилган (3-расм).



**3-расм. Устунларнинг механик (А) ва биологик (В) шикастланиши**

Шунингдек Ичон-қалъа ҳудудида грунт сув сатҳининг ўзгариб туриши, термитлар популяциясининг фаолиятини жадаллаши ёки сустлашига сабаб бўлиши ўрганилган. Тадқиқот ишлар натижаларига кўра, 2010-2013 ва 2016-2019 йилларда Жума масжид жойлашган ҳудудда грунт сув сатҳи 370,0/402,6 см, 529,5/659,7 см ни ташкил қилган. Бунда термитларнинг бинода зарарлаш даражалари (328/284 та термит) юқори бўлганлиги аниқланган (4-расм).




**4-расм. Жума масжиди тарихий ёдгорлигида термитлар сони ва грунт сувлари сатҳи ўртасидаги боғлиқлик**

2016 ва 2019 йил тадқиқот натижаларига кўра, грунт сув сатҳи 529,5/659,7 см га пасайиши натижасида термитлар сони 169/102 тани ташкил этиши ўрганилган. Бу эса термитларнинг бинони зарарлаши 2010 ва 2013 йилларга нисбатан 2-3 баробар кам эканлиги қайд этилган. Тадқиқот натижаларга кўра Ичон қалъа ҳудудида грунт сув сатҳини доимий назорат қилиб бориш, термитлар учун зарур бўлган намликни қочириш муҳим аҳамият касб этиши аниқланди.

Тадқиқот ишларда аҳоли турар жой биноларда термитларнинг тарқалиши ва зарарлаш сабаблари очиб берилган. Термитлар тарқалиш хавфи бўлган ҳудудлар аниқланган. Хоразм вилоятида аҳоли турар жой биноларнинг термитлар томонидан зарарланиш даражалари ўрганилиб, 2019

йил ҳолатига кўра жами 1137 та хонадон термитлардан жиддий зарар кўрганлиги ўрганилган (5-расм).



**5-расм. Хоразм вилоятида аҳоли турар жой биноларнинг термитлар томонидан зарарланиши (2019 йил ҳолатига).**

Турар жой бинолар материалларни зарарланишида ишчи термитлар сони бошқа термит табақаларига нисбатан кўп, личинкалар сони бирмунча кам, навкарлар сони эса жуда кам эканлиги аниқланган. Термитлар озик миграциясида “малика ўринбосар” лари умуман иштирок этмаслиги аниқланган.

Тадқиқотларда аҳоли турар жой биноларининг қабристонга яқин жойлашуви ва термитлар тарқалган ҳудудларда турар жой биноларининг қурилиши, қурилиш ишлари талаб даражасида бажарилмаслиги, эски қабристонларнинг белгиланган тартиб қоидаларга амал қилмай бузилиши ва кўчирилиши, термитлар тарқалган қумлик, қирлар ўзлаштирилиб, турар жой биноларнинг қурилиши термитларнинг тарқалишига сабаб бўлиши аниқланган.

Вилоятда термитларни тарқалиши доимий назоратда бўлиб, зарарланган ҳудуд ва бинолар аниқланган. Аниқланган ушбу манбалардан термитлар миграция қилиши мумкин бўлган майдонлар ўрганилиб, ГАТ технологиялари асосида координаталар бўйича харита маълумотлари базаси шакллантирилган. Жумладан Хива шаҳрида термит тарқалган хонадонлар асосан, Мевастон ва Гулирайхон маҳалаларида ва Хива Ичон-қала давлат музей ҳудудларида аниқланган. Мевастон маҳалласининг географик координатаси - 41°22'46.10"С 60°22'2.91"В кенглик ва узунликда бўлиб, унинг Google.earth дастури ёрдамида олинган сурати келтирилган (6-расм). Унга кўра, бу маҳалланинг шарқий ва ғарбий томонларида термитлар тарқалиши мумкин бўлган бинолар миқдори кам ва аксинча шимолий - ғарбий ва шарқий - жанубий томонларида уларнинг сони анча кўп. Термитлар билан зарарланган ҳудуддан уларнинг тарқалишига тўсқинлик қилувчи географик ёки бошқа табиий тўсиқлар мавжуд эмаслиги, уларнинг кенг миқёсда тарқалишига имкон бериши аниқланган. Бу ҳолат жиддий



этиборга олинмаса, термитларнинг зарар келтириши даражаси йил сайин ортиши мумкинлиги асосланган.



**6-расм. Хива шаҳар Мевастон маҳалласида термитлар тарқалган ҳудуд**

Термитларнинг хонадонларни зарарлаш сабаблари ўрганилганда, турар жой биноларнинг қурилишига ва уйнинг ҳолатига ҳам боғлиқлиги аниқланди. Хива шаҳри Мевастон маҳалласидаги термитдан зарарланган ва зарарланмаган, уй томи шифер қилинган ва томи шифер қилинмаган 10 тадан уйлар ўрганилиб таҳлил қилинган. Тадқиқот натижаларига кўра, шифер қилинмаган биноларда ёғингарчиликлар сабаб намликнинг ортиши, натижада термитлар учун қулай шароит туғилиши аниқланган. Баҳор ойида 10 та шиферсиз хонадонларда олиб борилган тадқиқотларда намлик  $53.07 \pm 1.967$ , ҳарорат  $+28^{\circ}\text{C}$  бўлганда хонадоларда термитларнинг учраши  $25.4 \pm 4.325$  тани ташкил этиши қайд қилган бўлса, куз фаслида  $+25^{\circ}\text{C}$  ҳарорат, намлик  $56.71 \pm 1.136$  бўлганда ушбу хонадоларда термитларнинг учраши  $29.8 \pm 2.898$  тани ташкил қилиши аниқланган. Аксинча шифер қилинган биноларда ёғоч материалларни ва ҳавонинг нисбий намлиги камроқ бўлганлиги учун термитдан зарарланиши ҳолатлари деярли учрамаслиги қайд этилган (2-жадвал).

**2- жадвал**


**Йил фаслларида бино хоналарида атмосфера ҳавоси намлиги ва ҳароратга боғлиқ термитлар фаоллиги (Хива шаҳри Мевастон маҳалласи 2019 й.)**

№	хонадонлар	Йил фасллари	ҳаво намлиги ва ҳарорат		топилган термитлар сони
			Н-%	t- $^{\circ}\text{C}$	
1	1-10*	Баҳор	$53.07 \pm 1.967$	+28	$25.4 \pm 4.325$
	1-10**		$18.18 \pm 0.958$		$1.1 \pm 1.663$
2	1-10*	Ёз	$24.33 \pm 0.607$	+40	$10.1 \pm 2.960$
	1-10**		$15.37 \pm 1.060$		$0.5 \pm 0.707$
3	1-10*	Қиш	$58.51 \pm 1.405$	+20	$31.4 \pm 3.169$
	1-10**		$17.86 \pm 0.874$		$0.8 \pm 1.032$
4	1-10*	Куз	$56.71 \pm 1.136$	+25	$29.8 \pm 2.898$
	1-10**		$20.51 \pm 1.101$		$2.8 \pm 1.751$

\*шифер қилинмаган,

\*\* шифер қилинган

Диссертациянинг «Anacanthotermes авлоди термит табақаларининг ривожланиш босқичидаги морфо-функционал ўзгаришлари ва қиёсий таҳлили» деб номланган тўртинчи бобда термитларнинг эмбрионал ривожланиши ва табақаларнинг ўзига хос ривожланиш босқичлари аниқланган (7-расм).



7-расм. Anacanthotermes авлоди термит табақаларининг дифференцияланиши



Ўзбекистонда илк марта *A.ahngerianus* термитларнинг эмбрионал ривожланишини ўрганиш “Ичон қалъа”, дала ва лаборатория шароитида амалга оширилган. Тадқиқотларда “Ичон-қалъа” тарихий ёдгорлик (Жума масжид) биносидида, қумликлардан иборат дала шароитида лаборатория шароитида амалга оширилган. Жума масжид ва дала шароитида олиб борилган тадқиқотларга кўра, термитларнинг эмбрионал ривожланиш давомийлиги ҳароратга боғлиқ ҳолда 1/2 ой давом этиб, личинкалар 1 ёшдан 3 ёшгача ажратилиши, ёшларга ажралишда морфологик ўлчамлари, мўйлов сигментлар сони ва туллаш жараёнлари ўзгаришлар юзага келиши аниқланди. *A.ahngerianus* нинг барча имагинал туллашида личинка ва ишчи босқичларни 8 та туллаши мавжудлиги ўрганилди. Ишчи табақалар одатда 6 ёшли бўлиб, камдан кам ҳолларда 7 ёшга кириши, ишчиларнинг баъзилари 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган босқичларида пронавкарга, пронавкарлар ўз навбатида бир марта туллаш орқали эса ҳақиқий навкарларга айланиши аниқланган. Навкар табақалар кейинги ривожланишида тулламаслиги, шунга кўра навкар ёшга ажратилмаслиги аниқланган (8-расм).



**8-расм. Битта оиладаги навкар термит табақалари**

Кейинги нимфа ривожланиш босқичларида урғочи ва эркак личинкалар баъзилари нимфаларга айланиши, улардан урғочи ва эркак қанотлилар баъзи ҳолатларда неотеник урғочи (малика ўринбосарлари) ва эркак жинсий табақалар (имфоидлар) шаклланиши қайд этилган. Нимфаларнинг ривожланиши мавсумий бўлиб, йил давомида катта ёшдаги нимфалар кузда қанотли табақаларга айланиши аниқланиб, кузда термит уяларида йирик нимфалар қолмаслиги, ёш нимфалар қишлаб қолиши ўрганилди. Шунингдек неотеник насл берувчи термитлар, бошқа термитлар сингари уяда жуфтлик шоҳоналар бўлмаганда ривожланиб, насл бериши аниқланди.

Термит уяларининг ўзаро боғлиқлик хусусиятларини ўрганиш борасида амалга оширилган тадқиқотларда термит уялари орасидаги масофа қанчалик узоқлашса (100 метрдан ошганда), уларнинг тажовузкорлик даражаси шунчалик ортиши аниқланган. Буни айниса 1 ва 8 термит уяларида кўриш

мумкин. Аммо 50 метрдан кам масофада жойлашган термит уяларида ижобий муносабатлар ҳолати кузатилган.

3, 4, 5 ва 6 сонли термит уялари ўзаро ижобий муносабатда бўлганлиги ва бу уялар бир-бирлари билан камералар орқали боғланганлиги уларнинг ўзаро қариндош эканлигини тасдиқлаган. Агар термитларнинг товушларга сезгирлигини ҳисобга оладиган бўлса, шуни таъкидлаш керакки, битта уяни очиб кўрилганда ҳақиқий термит маликаси камералар орқали бир уядан иккинчисига ўтиши мумкинлиги аниқланган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, *A. ahngerianus* тур термитлари нафақат битта оилада яшаши, балки бутун колонияда бирлашиши қайд қилинди (9-расм).

Термит уялари	H <sub>1</sub>	H <sub>2</sub>	H <sub>3</sub>	H <sub>4</sub>	H <sub>5</sub>	H <sub>6</sub>	H <sub>7</sub>	H <sub>8</sub>
H <sub>1</sub>	x	Δ	●	●	●	●	●	●
H <sub>2</sub>	Δ	x	Δ	Δ	●	●	●	●
H <sub>3</sub>	●	Δ	x	Δ	Δ	Δ	●	●
H <sub>4</sub>	●	Δ	Δ	x	Δ	Δ	●	●
H <sub>5</sub>	●	●	Δ	Δ	x	Δ	Δ	●
H <sub>6</sub>	●	●	Δ	Δ	Δ	x	Δ	●
H <sub>7</sub>	●	●	●	●	Δ	Δ	x	Δ
H <sub>8</sub>	●	●	●	●	●	●	Δ	x

**9- расм. Турли термит уяларининг ўзаро муносабати**


Тарихий обидаларда *Anacanthotermes* нинг уя камераларидаги захира озиқалари яъни тўпланган ўсимлик тур таркиби ўрганилганда, бино атрофидаги ўсимликлар стацияларида ўсадиган юлғун (*Tamarix ramosissima* Ledeb), саксовул (*Haloxylon aphyllum* Minkw), қирғиз янтоқи (*Alhagi kirghisorum* Schrenk), сассиқ каврак (*Ferula foetia*) ва бошқа ўсимликларга хос эканлиги қайд этилган (3-жадвал).

## Тарихий обидалар деворидаги термит камераларидаги озик захиралар

№	Тарихий қалъа номи	Ўсимлик тури	Камерадаги озик захира (г)
1	Жума Масжид Ичон қалъа	Ulmus	3.16±0,29
2	Дишан қалъа	populus	3.3±0,48
3	Ичон қалъа (Ҳазорасп)	<i>Alhagi kirghisorum</i>	3.0±0,56
4	Мешекли қалъаси	<i>Ferula foetia</i>	5.66±0,72
5	Уч ўчоқ мазор қўрғонлари	<i>Haloxylon aphyllum</i>	6.22±1,56
6	Тупроққалъа ҳаробаси	<i>Tamarix ramosissima</i>	5.80±0,43

Шунингдек Жума масжид тарихий ёдгорлигида 213 та устун ва том қисмидаги ёғоч материаллар ўрганилиб, уларнинг жойлашиш схемаси асосида термитларнинг озуқага бўлган талаби ўрганилган.

Диссертациянинг «Термитларга қарши курашнинг тадбирий чоралари» деб номланган бешинчи бобида аҳоли турар-жой бинолари, тарихий ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг термитлар билан зарарланиш сабаблари ва уларга қарши кураш услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бунда тарихий ва аҳоли турар жой биноларида термитларга қарши курашнинг бир қанча услублари ишлаб чиқилган бўлиб, талаб ва шароитга қараб асосий 4 та кураш услублари (физик, кимёвий, биологик курашлар ва хўрак усули) амалга ошириш белгиланган. Антропоген шароитда биноларда инсектицидларни қўллаб термитларга ер остидан қарши термитлар сонини камайтириш ва йўқотишга асосланган термитларга қарши кураш қурилмаси яратилган. Қурилма ёрдамида Друсбан про, Хлорофос, Фипронил инсектицидлар термитларга қарши ер остидан қўлланиб уларни сонини кескин камайтиришга ва йўқотишга эришилган (10-расм).



10-расм. Термитларга қарши кураш қурилмаси схемаси


Ичон қалъа давлат музей кўриқхонаси Жума масжиди ички қисмидаги 213 та ёғоч устунлардан термитлардан кўпроқ зарарландиган *Populus* авлодига мансуб дарахтдан тайёрланган ёғоч устунлар Nortex антисептик препаратининг 2 фоизли ишчи суюқлиги билан ишланганда препаратнинг самарадорлиги 76,7% эканлиги қайд қилинган. Шунингдек тадқиқотларда Nortex антисептик препаратининг самарадорлиги, таъсир давомийлиги 3 ойгача давом этиши аниқланган (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Nortex препаратини *Anacanthotermes* термитларга қарши самарадорлиги (Хива Ичон қалъа музейи Жума масжид музейи)**

№	Ҳудуд	Устунлар сони	Препарат	Кузатув муддати	Самарадорлиги % ҳисобида
1	Жума масжид	15	Nortex	01.05. - 31.07. 2018 йил	76,7
2	Жума масжид	15	назорат	01.05. - 31.07. 2018 йил	-

Термитларга қарши ем-хўрақларни синаш ва уларни хонадонларга жойлаштиришда, шунингдек термитларни унга жалб қилишда ўзига хос қийинчиликлар туғилади. Илк бор ушбу патогенли ёки захарли ем хўрақларни биноларга жойлаштириш схемаси ишлаб чиқилган (11-расм). Шунингдек, тадқиқотларда термитларни аниқлаш, зарарининг олдини олиш чоратадбирлари, уясини табиий кушандалари ёки паразитлари ёрдамида назорат қилиш ҳамда термитлар сонини назорат қилишнинг экологик зарарсиз усуллари аниқланган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.



**11-расм. Ем-хўрақларни хонадонларга жойлаштириш схемаси**

## ХУЛОСАЛАР

“Тарихий ёдгорликларда *Anacanthotermes* авлоди термит табақаларининг ривожланиши ва қиёсий таҳлили (Ичон қалъа музейи мисолида)” мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Хоразм вилояти 22 та тарихий қалъалар мажмуасида *Anacanthotermes* авлодига мансуб термитларнинг *A. turkestanicus* Jacobson, 1904 ва *A. ahngerianus* Jacobson, 1904 учрайди.

2. Ичон-қалъа давлат музей қўриқхонасида термитларнинг тарқалиши ва зарарлаши бинонинг техник ҳолати ва ер ости сувлари сатҳининг мавсумий ўзгариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, ёдгорликларда намликнинг ошиши термитларнинг тарқалиши учун қулай шароит яратади.

3. Тарихий биноларда *Anacanthotermes* авлоди термит табақаларининг дифференцияланиш босқичлари термитларнинг миқдор кўрсаткичларига ва ташқи муҳит шароитига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

4. *Anacanthotermes* популяцияси миқдори максимум нуктага май ойида ва жинсий етилган табақалар сони жиҳатдан эса март ойида етишади ва *Anacanthotermes ahngerianus* нинг биологик цикли 4 та йўналиш ва 3 босқичда (тухум, личинка, имаго) ўтади.

5. Тарихий ёдгорликларнинг термитлар билан зарарланиши улар конструкцияларида турли дарахт ёғочларининг қўлланилиши билан боғлиқ бўлиб, объектларда, айниқса, *Populus* ва *Ulmus* авлодига мансуб дарахтлардан тайёрланган ёғоч устунлардан фойдаланиш тарихий ёдгорликларнинг термитлар билан зарарланиш кўламини орттиради.

6. Термитларнинг диапауза даврида кимёвий ёки биологик препаратларни қўллаш уларни баҳор фаслидаги кўпайиш жараёнларини олдини олишига таъсир этади.

7. Ёпиқ ҳолатда тупроқ остидан биноларда “термитларга қарши кураш қурилмаси” ва термитларга қарши биологик препаратларни жойлаштириш схемаси тарихий обидалар ҳамда аҳоли турар жойларида термитларга қарши курашда фойдаланиш учун тавсия этилади.

8. Инсектицид Друсбан про, Фипронил кимёвий препаратларнинг самараси 83,3% ва антисептик препарат Nortex 76,7% ҳамда *Ferula assa-foetida* ва замбуруғ *Beauveria tenella* (Del) Siem BD-85 штамми асосида тайёрланган ем хўракнинг биологик самарадорлиги 87,7% ни ташкил этади ва улар термитлар миқдорини камайтириш учун тавсия этилади

### Амалий тавсиялар

1. Биноларда том, пойдевор, девор ва бошқа жойларда намликнинг ортишига йўл қўймаслик чораларини, шунингдек пол остида шамоллатиш тизимининг ўрнатиш;

2. Термитлар билан зарарланган ҳудуддан чиққан ёғоч материалларни (зарарланган) иккиламчи қурилиш материали сифатида қайта фойдаланишга йўл қўймаслик;

3. Термитлар мавжуд ҳудудлар (қабристонлар, қирлар, чўллар, қумликлар ва хакоза) мақсадли ўзлаштирилгандан сўнг тупроқни термитларга қарши кимёвий препаратлар билан ишлаш;

4. Жума масжид тарихий ёдгорлиги том қисмини тупроқдан ҳоли қилиб пастдан кўринмайдиган енгил конструкция том қоплама (профнастил) билан ёпиш.

5. Аҳоли ўртасида термитлар тўғрисида умумий маълумотлар, зарари ва уларга қарши кураш ишларини кенг тарғиб қилиш (радио, телевидения, ОАВ).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МАТЯКУБОВ ЗАФАРБЕК ШАРИПОВИЧ**

**РАЗВИТИЕ И СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РАЗЛИЧНЫХ КАСТ  
ТЕРМИТОВ РОДА *ANACANTHOTERMES* В ИСТОРИЧЕСКИХ  
ПАМЯТНИКАХ (НА ПРИМЕРЕ МУЗЕЯ ИЧАН-КАЛА)**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Нукус – 2020**



Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.2.PhD/В195.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) и в Информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

Научный руководитель:	Абдуллаев Икрам Искандарович доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Зокиров Исламжон Илхомжонович доктор биологических наук Жугинисов Тангирберген Исаевич кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится «05» декабря 2020 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.В.20.04 при Каракалтакском государственном университете. (Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Зал заседаний Каракалтакского государственного университета. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz))

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалтакского государственного университета (зарегистрировано за №16). Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Тел.: (+99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «21» ноября 2020 года.  
(реестр протокола рассылки №5 от «21» ноября 2020 года)



**М.А.Жуманов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
профессор

**А.И.Курбанова**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.б.н.,  
доцент

**Я.Н.Аметов**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Глобальное изменение окружающей среды в мире и освоение человеком экосистем приводят к увеличению масштабов биодegradации зданий и сооружений различной конструкции. Особое значение здесь имеет экономический масштаб уровня биоповреждений, вызванной насекомыми, в том числе термитами. Соответственно, разработка новых мер борьбы с термитами с учетом их биологических и экологических свойств имеет важное научно-практическое значение.

В мире особое внимание уделяется защите и предотвращению биозагрязнения обрабатывающих производств. В связи с этим, в частности, была проведена инвентаризация видов насекомых, наносящих ущерб сельскохозяйственному сектору, определены особенности их локального распространения и разработаны меры борьбы с ними. Следует отметить, что интенсификация урбанизации и расширение городских территорий в последние годы повлияли на состояние естественных экосистем, что привело к адаптации видов насекомых как вредителей к городским условиям и увеличению масштабов их ущерба. Особо следует отметить, что термиты рода *Anacanthotermes*, обитающие в засушливых районах, широко распространены в жилых домах и исторических памятниках и представляют серьезную угрозу для их состояния. Одной из отличительных черт сообществ термитов является формирование особых морфологических черт и поведения в процессе развития существующих в сообществе каст. Наличие такого разделения труда между одними и теми же кастами термитов определяет их высокую эргономичность, экологичность и гибкость. Соответственно, важное научно-практическое значение имеет определение особенностей специфического функционального развития каст термитов, оценка их возможности адаптации к городским условиям и разработка на их основе усовершенствованных методов и мер борьбы с термитами.

